

**Фарғона давлат университети**  
**мустақил тадқиқотчиси**  
**Хамрақулов Ўткиржон**  
**Махмудович**

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада инсонпарварлик ғоялари, инсонларнинг қадр-қимматини, ҳуқуқ ва эркинликларини ва ихтиёрини ҳурмат қилишга асосланган ахлоқий ва ижтимоий принципларга асосланган бўлади. Инсонпарварлик ғоялари негизда, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб кенг қўламли ислохотлар, мамлақтимиз тараққиётини асл моҳиятини белгилаб беради. Агар бу ғоялар давлат бошқарувида амалга оширилса, бу инсон ҳуқуқлари, ижтимоий барқарорлик ва умумий фаровонликни таъминлашга ёрдам беради. Жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантиришда, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимни узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш дастурини такомиллаштириш истиқболи орқали амалга ошиши ёритилган.

**Калит сўзлар:** ғоя, юксалиш, қадр-қиммат, тенглик, адолат, эл-юрт, тараққиёт, давлат, жамият, инсон, барқарорлик, илм-фан.

**Ферганский государственный университет,  
независимый исследователь**  
**Хамракулов Уткиржан**  
**Махмудович.**

## **ПРЕОБРАЗОВАНИЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ИДЕЙ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ**

**Аннотация:** В данной статье гуманистические идеи базируются на моральных и социальных принципах, основанных на уважении достоинства, прав, свобод и воли человека. Реализуемые в новом Узбекистане кардинальные, масштабные реформы, основанные на гуманистических идеях, определяют истинную суть развития нашей страны. Если эти идеи будут реализованы в правительстве, это поможет обеспечить права человека, социальную стабильность и общее благополучие. Духовно-нравственное и культурное развитие общества реализуется через развитие духовных ценностей, национальной идеи, культурного наследия, истории узбекского народа и государственности, а также последовательность и

преемственность образования, перспективу совершенствования программа исследований по воспитанию гармоничного поколения.

**Ключевые слова:** идея, прогресс, достоинство, равенство, справедливость, нация, развитие, государство, общество, человек, стабильность, наука.

*Fergana State University is independent  
daughter of researcher  
Khamrakulov O'tkirjon Makhmudovich*

## TRANSFORMATION OF HUMANITARIAN IDEAS IN THE NEW UZBEKISTAN

**Abstract:** *This article discusses the ideas of humanism, based on moral and social principles based on respect for the dignity, rights and freedoms of people and their will. On the basis of humanism, the fundamental large-scale reforms being carried out in the new Uzbekistan determine the true essence of the development of our country. If these ideas are implemented in state governance, this will help ensure human rights, social stability and general well-being. The spiritual, moral and cultural development of society is realized through the perspective of improving the program of studying spiritual values, the national idea, cultural heritage, the history of the Uzbek people and statehood, as well as the coherence and continuity of education, the upbringing of a harmonious generation.*

**Key words:** *idea, rise, dignity, equality, justice, nation, development, state, society, human, stability, science.*

### КИРИШ(Видение/Introduction).

Ғоя ўзи нима-ғоя бу инсон тафаккурини махсули бўлиб, ҳар бир инсон омилига кўра, бир аниқ мақсадга қаратилагн ғоя асосида ўз ҳаётини белгилайди ва шу аснода умр – гузаронликда яшайди.

“Ғоя фалсафий тафқкур доирасида хилма-хил маъноларда талқин этилган тушунчалардан биридир. Бугунги кунда фалсафий тафаккур эришган натижаларга таяниб, ғоянинг моҳия-ти, гносеологик мақоми тўғрисида муайян умумий хулосаларга келинган. Илмий факт, муаммо, фараз, назария каби воқеликни акс эттириш, илмий билишнинг ўзига хос шакли, янги билим ва парадигма (система) сифатида чиқадиган ғояда воқелик бундан кейин қай

йўналишда ўрганилиши зарурлиги ҳақидаги кўрсатма, мақсад ботиний тарзда мужассамлашган бўлади ва шу туфайли у улкан йўналтирувчилик ролини ўтайди. Ғояга хос бўлган хусусиятлар қараб чиқилганда ғоянинг тарихий тараққиётдаги ўрни янада ой-динлашади”<sup>1</sup>.

Ғоянинг воқеликка мос келиши муҳим ва аниқ масалаладан бири ҳисобланади. Инсонпарварлик ғоялари эса бу, инсонларнинг кадр-қимматини, ҳуқуқ ва эркинликларини ва ихтиёрини ҳурмат қилишга асосланган ахлоқий ва ижтимоий принципларга асосланган бўлади. Инсонпарварлик ғоялари негизида, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, мамлакатимиз тараққиётини туб моҳиятини белгилаб беради десак муболаға бўлмайди. Агар бу ғоялар давлат бошқарувида амалга оширилса, бу инсон ҳуқуқлари, ижтимоий барқарорлик ва умумий фаровонликни таъминлашга ёрдам беради. “Хозирги кунда бизнинг халқимиз ҳаётида ҳам янги тонг отмоқда. Бу- янги тараққиёт, юксалиш тонггидир.

Эл-юртимиз дунёдаги энг ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, янги жамият қуришдек улуғвор мақсадлар билан яшашмоқда. Мамалакатимизнинг замонавий ва жозибадор қиёфасини яратиш, Янги Ўзбекистон барпо этиш ватандошларимизнинг асосий мақсад-муддаосига айланди. Бу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг қамровли ислохот ва туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва муҳум ижобий натижаларга эришилмоқда”<sup>2</sup>.

Бу ғоялар инсонлар ўртасида тенглик, адолат ва ҳурматни таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг асосий мазмуни инсонни ҳамон ўз кадр-қимматига эга бўлган субъекти сифатида эътироф этиш, ва бунинг ортидан инсон ҳуқуқларига риоя қилишни таъминлашдан иборат бўлади. Инсонпарварлик ғояларининг айрим муҳим жиҳатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

<sup>1</sup>Қиём Назаров.Ғоя. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-gq/goya-uz/> 23.06.2024.

<sup>2</sup>Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2022й. – Б.6.

- ҳурмат ва кадр-қиммат бўлиб, ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларига, жамиятга қўшган ҳиссасига, таълим ва ахлоқий қимматларига қарамай, унинг инсон сифатидаги кадр-қимматига ҳурмат қилиш;

- тенглик ва адолат бу, барча инсонлар тенг ҳуқуқларга эга бўлиши, уларнинг оилавий, ижтимоий, миллий ёки диний мансублигидан қатъи назар адолатли муносабатда бўлиши;

- ҳуқуқ ва эркинликлар асосида, инсонларнинг асосий ҳуқуқлари — уйда тинч яшаш, ўзи танлаган касбда ишлаш, таълим олиш, ўз фикрларини эркин ифода этиш ва бошқа муҳим ҳуқуқлар ҳурмат қилиниши;

- яшаш шароити ва ижтимоий адолатда, инсонпарварлик ғоялари инсоннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, унинг ҳаётининг янада яхши, адолатли ва барқарор бўлишини ҳам таъминлаш;

- ҳар бир инсоннинг хусусий эҳтиёжларига эҳтиром ила, бир инсоннинг ҳаётининг ўзига хос хусусиятларига риоя қилиш, унинг шахс сифатидаги ўзига хослигини қадрлашдан иборат бўлади. “Давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва адолатга асосланган, одамлар манфаатига хизмат қиладиган халқпарвар қарорлар қабул қилиш тизими яратилди. Энг муҳуми, биз кўп йиллар давомида амал қилиб келинган “давлат – жамият – инсон” тамойилини ўзгартирдик.

### **Адабиётлар таҳлили ва методология (Литература и методология /Methods).**

Мамлакатимизда аввало инсон, кейин эса, жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларимизнинг негизига қўйилди. Ҳаётимизда “Давлат - инсонлар учун” деган халқчил ғоя изчиллик билан қарор топиб бормоқда”<sup>3</sup>.

Инсонпарварлик ғоялари фақат ўзининг ахлоқий тушунчаси билан чекланмайди, балки жамиятдаги ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий механизмлар билан ҳам боғлиқ бўлади. Ҳозирги даврда, инсонпарварлик ғоялари кўплаб давлатларнинг миллий қонунлари ва халқаро ҳуқуқи асосидаги муҳум

<sup>3</sup>Мирзиёев Ш.М. Инсон кадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари учун. –Тошкент,: O'zbekiston. 2022й. – Б.5.

принципларига айланган. “Ровийлар дерларки, Подшоҳ оқ мрамрдан ажиб ховуз бунёд этибдию- “Ахли фуқаронинг ҳар бири эрта тонгда бир косадан сут келтириб ховузга тўксин” деб амир қилибди. Фармонни эшитган бир киши “Шунча минг одам орасида битта мен сут ўрнига сув олиб бориб тўксин, ким билиб ўтирибди”, деган қарорда сув кўтариб борибдию хайратга тушубди: ажабки, шаҳардаги бошқа одамлар ҳам айнан шу фикр, шу аҳд билан сув келтирган эканлар. Ривоятдан ибрат шуки, Ватан билан ўзни бир бутунликда деб ҳис этган, виждони покиза одамда Ватан фойдаси, тараққиёти учун меҳнат қилиш иштиёқидан бошқа нарса бўлмаслиги ва керак”<sup>4</sup>лиги эътиборга олинган.

Жаҳонда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик, демократик жамиятнинг асосий тамойиллари илм-фан, ижтимоий ривожланиш муайян даврда барқарор ривожланишини кузатишимиз мумкин. Жамиятнинг ривожланиши учун янги имкониятлар очилади. Ғоя асосида янгича таълимотлар, концепциялар, нуктаи назарлар шаклланган бўлиб, янги ғоялар доим пайдо бўлади. Улар туфайли жамиятда содир булаётган ўзгаришлар, инновацион ва янги технологиялар жорий этилади.

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра, ҳар бир халқ ўз олдига улуг ва истиқболли мақсадларни қўйиши ва уни амалга ошириш жараёни билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди. “Хаётимиз маъноси - ич-ичимиздан, қалбимиз тўридан келади. Бу борада Франкл шундай дейди: “Умуман олганда, инсон ҳаётининг маъноси нимадан иборатлигини бошқалардан сўрсмаслиги керак. Аксинча, ушбу савол ўзига берилишини англамоғи даркор. Бошқача айтганда ҳаёт ҳар бир шахснинг олдида шу саволни қўяди; ва инсон унга фақат ўз ҳаёти билан жавоб бериши мумкин. Саволга жавоб бериш учун киши масъулиятли бўлиши лозим”<sup>5</sup>. Зеро замонавий давлатнинг мақсади жамиятда ҳамжиҳатлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя

<sup>4</sup>Тохир Малик. Одабийлик мулки. Sharq, –Тошкент, 2013й. – Б.898.

<sup>5</sup>Стивен Р.Кови. Муваффақиятли инсонларнинг 7 кўникмаси. Шахсий камолотнинг кудратли қуроли. Учунчи Нашр.–Тошкент, 2022й. – Б.146.

килинишини таъминлашдан иборат бўлади. “Маълумки, келажакда интилиб яшайдигон ёш авлод сайёрамизда фаровон ҳаёт ва юксак тараққиёт барқарор бўлиши учун янги ғоялар ва ижодий руҳдаги саъй – ҳаракатларни амалга оширадиган бекиёс кучдир”<sup>6</sup>.

### **Натижалар (Результаты/Results).**

Мамлакатнинг барқарор ривожланиши авваламбор, ундаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ҳамда инсонпарварлик ғоялари, бағрикенглик муҳитининг сақланишига шарт-шароит ва имкониятлар яратишдан иборат. Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланган. Иқтисодий раванқ ҳам жамият барқарор бўлсагина амалга ошади. Барқарорликнинг шундай бир шакли борки, у ижтимоий жараёнларнинг узлуксиз ва бир текис боришида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик, инсонпарварлик ғоялари ва алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳум асос бўлади.

Янги Ўзбекистон ҳудудида турли маданият ва цивилизациялар вакиллари, турли халқлар, этник гуруҳлар аралашиб, дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келмоқдалар. Улар орасида ҳар хил миллатларга мансуб аҳоли мавжуд бўлиб, улар мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатори бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятга эгадирлар. Ўзбекистонда турли миллат вакилларининг таълим олишлари, меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, республиканинг миллий таркиби ўзига хос хусусиятларга эга. Аҳолининг этник таркибида туб аҳоли устун мавқени эгаллайди.

---

<sup>6</sup>Мирзиёев Ш.М. Yangi O'zbekistonda Erkin va Farovon yashaylik. –Тошкент,: O'zbekiston. 2023й. – Б.35.

Ўзбекистоннинг миллий-маданий турли туманлиги миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва маънавий жиҳатдан қайта уйғониш билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеени сақлаш жараёнида миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни, фуқароларнинг ҳаёт турмуш - тарзини яхшилаш, демократияни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган ўзгаришларни ўз ичига олади. Бу жараёнда барча соҳаларда инновациялар ва янгича ёндашувларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим омил эканлигини таъкидлаш жоиз бўлади десак муболаға бўлмайди.

### **Мухокама(Обсуждение/Discussion).**

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларда, миллий тотувлик ва фуқаролик жамиятининг ривожланиши, миллатлар ва этник гуруҳлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч, тотувликни қарор топтириш, демократик, кучли фуқаролик жамияти қуриш ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий омиллари катта аҳамият касб этади.

Ҳар бир миллат, элат ва халқ, ҳар қандай ижтимоий тузум ва давлат муайян бир тамойиллар ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, орзу-умидлари, мақсад-интилишларини кўзлаб ҳаракат қилади. Халқ ўзининг тарихий тараққиётида муайян бир ғоялар ва мафкураларга таянган ҳолда ривожланиб, тараққий этиб боради. Лекин инсонпарварлик ғоялари доимо жамиятдаги турли миллат, элат ва халқларнинг умумий манфаатларини ўзида ифодалаб, ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналиши ва мақсад-муддаоларини ўзида ифодалайди.

Янги Ўзбекистон сиёсатида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ва инсонпарварлик ғоялирининг ўзига хос устивор вазифаларини ишлаб чиқишга доир кўплаб тадқиқот ишлари ўтказилган ва бугунги кунда ҳам изчил ўрганилиб келинмоқда.

Янги Ўзбекистон ижтимоий сиёсатида тинчлик ва барқарорлик омилларини таъминлаш ва инсонпарварлик ғоялари трансформациясининг

инсон омилига доир Ғарб ва МДХ мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан Янги Ўзбекистон сиёсатига оид педагогик-психологик ва социологик томонлари ва ижтимоий фалсафий жиҳатларига хос бўлган кўплаб тадқиқот келтириш мумкин. Хусусан, ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари бўйича мустакил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг илмий тадқиқот марказларида тинчлик ва барқарорлигига доир фундаментал тадқиқотлар узлуксиз равишда тадқиқ этилиши одатга айланган бўлиб, бу борада Н.Б.Агабаян, Э.Н.Якубов, Т.Болотина, С.Н.Глазачев, М.И.Рожков, М.А.Ковальчук, Г.Д.Дмитриев, Д.В.Зиновьев, Л.И.Антонова, Н.А.Цветкова, М.Золотухин, П.Ф.Комогоров, В.М.Куница, Н.Л.Оконешникова, М.С.Мириманова, В.Н.Павлов, Н.А.Саблина, И.С.Якиманская, В.А.Ситаров, Л.А.Шкатова, Э.Соколова, Л.В.Строгановаларни киритиш мумкин. Ғарб мамлакатларида М. Наттурно, Г.Айзенк, Б.Бовден, Ж.Вардлау, Е.Гоффман, Э.Геллнер, М.Дженкинс, С.Добсон, Э.Риэрдон, Ж.Элпорт, Д.Жакобс, Э.Кадоури, С.Мендус, У.Ўзкимли, Б.Шафер, С.Шилман, Э.Эриксен ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида инсонпарварлик ғоялари, тинчлик ва барқарорлик, толерантлик, бағрикенглик, байналминалликнинг назарий асослари, инсонларнинг бир-бирларини тушунишлари ва ўзаро ишонч; миллатларо маданиятлар, қадриятлар, билим ва технологияларнинг ўзаро сингиб бориши бўйича бир қанча тадқиқотларни кўрсатиб ўтиш мумкин бўлади.

Ижтимоий ҳамкорликка асосланган, эркин, демократик жамият барпо этишни кўзлаган давлатимизда миллий мафкура аҳолининг барча қатламларини жипслаштириб, умумманфаат ва ягона мақсад йўлида ҳаракатга чорлайди. Бундай мафкурада зиддиятли жиҳатлар эмас, умуминсоний тамойиллар кучайиб боради. Ҳар қандай мафкура ўз олдида муайян мақсадларни қўяди. Бу мақсадлар пировард натижага эришишнинг йўллари, восита ва усуллари белгилайди. Жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантиришда, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий

мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимни узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш дастурини такомиллаштириш истиқболи орқали амалга ошади.

Янги Ўзбекистон ижтимоий ҳаёти ва сиёсатида инсонпарварлик ғоялари трансформациялашувини амалга оширишда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ва инсон омилига хос бўлган қарашлар орқалигина, мамлакатда муаммоларни ҳал қилишга кўмак берадиган илмий-назарий, маънавий-маърифий томонларини асослаб беришдан иборат бўлади.

Инсонпарварлик ғоялари янги Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорлигини таъминлашда инсон омилига оид илмий-методологик асослари, ижтимоий-фалсафий моҳияти, хусусиятларини ёритиб беради.

Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиб, уларнинг ривожини учун шароит яратилганлиги кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида ижтимоий ва сиёсий ҳаётда барча миллат ва элат вакилларининг ҳар томонлама иштироки ҳамда муҳитини шакллантириш ва имкониятларини очиқ беришига замин яратади.

### **Хулоса (Заклучение/Conclusion).**

Янги Ўзбекистон давлат бошқарувида инсонпарварлик ғоялари трансформациясига оид илмий-методологик асослари ҳамда ижтимоий-фалсафий категориялари негизида янги Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиб, давр руҳияти билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-маданий асослари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки Ўзбекистонда инсонпарварлик ғоялари трансформациялашувига ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида миллат ва элат вакилларининг ҳар томонлама иштирокини шакллантириш имкониятларини дифференциал ёндашувлар асосида ўзаро диалектик алоқадорлиги асослашда

Ўзига хос жараёнларни ўз ичига олади. Жараёнда билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик тамойили негизда мамлакатимизда ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қиладиган партиялар ва жамоат бирлашмалари тузилишига қарши курашиш орқали, мамлакатимизда инсонпарварлик ғоялари асосида ижтимоий барқарорликка эришиш, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш ҳамда умуммиллий манфаатларни илгари суриш мумкинлиги катта аҳамиятга эга.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Қиём Назаров. Ғоя. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-gq/goya-uz/> 23.06.2024.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2022й.
3. Мирзиёев Ш.М. Инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари учун. –Тошкент,: О'zbekiston. 2022й.
4. Тохир Малик. Одамийлик мулки. Sharq, –Тошкент,:2013й.
5. Стивен Р.Кови. Муваффақиятли инсонларнинг 7 кўникмаси. Шахсий камолотнинг қудратли курули. Учунчи Нашр.–Тошкент,:2022й.
6. Мирзиёев Ш.М. Yangi O'zbekistonda Erkin va Farovon yashaylik. – Тошкент,: О'zbekiston. 2023й.